



## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Хоразм вилояти Гурлан тумани Бўзқалъа маҳалласи ҳудудида “Обод қишлоқ” дастури бўйича чиқиндихонани жорий таъмирлаш.

### ТАНЛОВ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлов предмети бўйича ва танлов ҳужжатларнинг қўшимча маълумот ва талаблари махсус коидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Гурлан туман Ободонлаштириш бршқармаси.
2.	Объект номи:	Хоразм вилояти Гурлан тумани <b>Бўзқалъа маҳалласи ҳудудида “Обод қишлоқ” дастури бўйича чиқиндихонани жорий таъмирлаш.</b>
3.	Танлов тартиб рақами:	№9
4.	Танлов тури:	Очиқ танлов.
5.	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<a href="http://www.xarid.uzex.uz">www.xarid.uzex.uz</a> махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
6.	Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<a href="http://www.xarid.uzex.uz">www.xarid.uzex.uz</a> махсус ахборот порталида эълон қилинади.
7.	Танловда иштирок этишга қуйидаги танлов иштирокчиларига рухсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган (5-шакл), соҳа бўйича зарур қурувчи-муҳандисларга (1-шакл) ва молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар (3 ва 4-шакллар). Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.
8.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	Қўлланилмайди.
9.	Танлов иштирокчиларининг танлов ҳужжатлари бўйича тушунтир ишлар олиш муддати:	Эълон қилинган кундан бошлаб 5 кун давомида.
10.	Танлов таклифининг амал қилиш муддати:	Таклифларни қабул қилиш тугаган кундан бошлаб камида 10 иш куни.
11.	Танлов таклифларини қабул қилиш вақти ва манзили:	<i>Таклифлар</i> <a href="http://www.xarid.uzex.uz">www.xarid.uzex.uz</a> махсус ахборот порталида эълон қилинган пайтдан бошлаб электрон тарихда электрон тизим аператори томонидан қабул қилинади.
12.	Танлов таклифларини очиш амалга ошириш шакли:	Электрон кўринишда.
13.	Танлов таклифларини баҳолаш муддати:	Танлов таклифларини қабул қилиш тугаган кундан бошлаб 5 иш кунидан ошмайди.
14.	Буюртмачининг объект бўйича бошланғич нархи:	ККС билан – 26 614 256 сум.
15.	Буюртмачи томонидан белгиланган қурилиш муддати	30 календарь кун.
16.	Молиялаштириш манбаси:	“Бюджет” маблағларидан
17.	Лойиҳани молиялаштириш тартиби:	Қурилишнинг жорий йилдаги қийматининг 30 % аванс 10 (бўнак). Жорий молиялаштириш йиллик 95 %, аванс тўловининг мутоносиб чегирмасини ҳисобга олган ҳолда. Охириги тўлов - 5% фойдаланишнинг тўлов кафолат муддати тугагандан сўнг.
18.	Танлов ҳужжатининг тили:	Ўзбек/рус тиллари
19.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўмда